



ИНГЛИЗ ТИЛИДА ШАХС НОМЛАРИ МОТИВАЦИЯСИ

Иброҳимова Д.Т.

ҚВХТХҚТМО ҳудудий маркази

Калит сўзлар: ономастика, исм, тизим, анъанавий, фамилия, зодагон, урф, сарлавҳа, расмий, рўйхат, черков, биологик, индивидуал, этимология.

Инглиз исмлари тизими жуда кизиқарли ва кўп ҳолларда ғайриоддийдир. Қоидага кўра, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда тўлиқ исм уч қисмдан ташкил топади: инсонга ота-она ва ёки бошқа шахс томонидан танлаб олинган исм (first name, Christian name, given name), иккинчи исм – падар номи (middle name) ва фамилия (name, surname, last name). Шу билан бирга, биринчи ва иккинчи номлар сифатида нафақат анъанавий исмлар, балки фамилиялар ҳам берилиши мумкин. Бунинг учун одатда қариндошлар, машҳур кишилар ёки тарихий шахсларнинг фамилиялари танланади. Ўн тўққизинчи асрнинг бошларига қадар фамилияларни шахсий номлар сифатида танлаш анъанаси одатда зодагон оилаларда урф бўлган. Жейн Остиннинг "Ғурур ва хурофот" романини эслайлик: асосий қаҳрамоннинг тўлиқ исми Фитсуиллям Дарси эди. Дарси - норманд зодагонларига хос бўлган фамилия бўлиб, "келиб чиқиши Арсидан" (Арсидан – Нормандиядаги кичик шаҳарча) маъносини англатади. Фитсуиллям ҳам фамилиядир, бироқ у "Уилям ўғли" деган маънони англатади. Бироқ, Жейн Остин қаҳрамони ҳолатида у исм сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, Дарси фамилиясининг ўзи шахсий исм сифатида берилиши мумкин: Кардифф Сити (Kardiff Sity) жамоасида футболчи Дарси Блейк ўйнайди ва Канада хоккей лигасида Дарси Таккер исмли ўйинчи бор.

Инглиз номларининг яна бир ўзига хос хусусияти - қисқартирилган шакллардан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларида "Дима Медведев Миша Саакашвили ва Витя Юшенко билан учрашди" деган ибора очик-ойдин бемаъниликка ўхшаб қолади. Бироқ

дунёнинг ҳар қандай газетаси ҳеч бир иккиланишсиз "Клинтоннинг тўлиқ исми Уилям Жефферсон ва Блернинг тўлиқ исм-шарифи – Энтони Чарльз Линтон бўлишига қарамай, "Билл Клинтон Тони Блер билан музокара олиб бормоқда" номли сарлавҳадан фойдаланаверади. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда ҳатто болага расмий равишда қисқартирилган исмларни рўйхатдан ўтказишингиз мумкин - рўйхатга олиш қонунчилиги жуда либерал ва унга деярли ҳеч қандай чегара қўйилмайди. Шунинг учун, деярли ҳар қандай сўзни исм сифатида танлаб олиш мумкин: мисол учун, Девид ва Виктория Бекхамлар ўз ўғилларига Бруклин, деб исм бердилар, исм Нью-Йо штатида жойлашган ҳудуд бўлиб, бола шу ерда дунё юзини кўрди.

Кўпчилик икки ёки уч исм билан чекланган бўлишига қарамасдан, исмлар сонига ҳам чекловлар йўқ. Лекин истиснолар ҳам бўлиши мумкин: масалан, инглиз мусиқачиси Браян Эннинг тўлиқ номи - Браян Питер Жорж Сент – Жон ле Бептист де ля Салл Энно. Инглиз футболчиси Чарли Оатуйнинг ота-онаси уни "Куин Парк Рейнджерс Ф.К. (Queen Park Rangers F. C.)"нинг ўн бир футболчиси шарафига номлади: Энтони Пхилип Давид Терри Френк Доналд Стенли Жерри Гордон Стивен Жеймс Оатуйей.

Аслида, икки томонлама исм бериш анъанаси яқин тарихга бориб тақалади. XVIII асрга қадар одамлар фақат битта исм ва фамилия билан кифояланишган. Узоқ вақт давомида номларнинг манбаи аслида ягона – биргина черков авлиёлари эди. Ҳар қандай биологик жонзотда бўлгани каби инсонда ҳам ўз наслини асраш инстинкти



мавжуд бўлиб, бу инстинкт бошқа жонзотлардан фарқли равишда ўз наслини фақат турли жисмоний тахдидлардангина эмас, балки турли руҳий тахдидлардан ҳам асрашга қаратилган бўлади. Бу эса исм кўйиш анъанасида ҳам ўз аксини топган. Бу эса тилдаги исмларнинг аксариятида дунёга келган гўдакни турли хавфлардан ҳимоя қилиш ғояси, нияти мужассамлашишига олиб келади. Шу сабабли бундай исмларнинг юзага келишида қадимий тотемистик, анимистик тасаввурлар, кўҳна диний ақидалар, сиғинишларнинг бошқа хил кўринишлари, удумлар, кейинчалик эса дин таълимоти билан алоқадор бўлган диний, фалсафий қарашлар, эътиқод ва ишончлар асосий роль ўйнайди. Бундай исмларнинг юзага келиши, маъноси ўша номни танлаган ёки ижод қилган кишилар доираси учунгина маълум бўлади. Одатда бундай номлар ота-оналарнинг маълум индивидуал хоҳиш-истакларини ифодалайди, фавкулудда яратилади. Бу каби исмлар кейинчалик удум бўлиши, кенг тарқалиши туфайли умуммиллий ёки минтақавий маълум номлар қаторига ўтиши мумкин. Лекин черков номи мавзуида машҳур тафовутлар жуда кўп учрайди: лотинча шакл Мария (Maria) кейинчалик инглиз тилида Мери (Mary)га айланди ва кейинчалик ундан қисқартма шакллар Молли (Molly) ва унинг фонетик ўзгарган шакли Полли (Polly) пайдо бўлди. Жоанс (Joannes), қадимий Ёҳанан (Yahva – меҳрибон, шавқатли, ёқимли), ўрта аср Англиясига Жан, Иохан ва Жон каби шаклларни берди, кейинчалик қисқартма шакллар Жанкин, Жакин ва ниҳоят Жек пайдо бўлди. Иоанна аёллар исми бўлиб, французча исм Жанне (Jeanne) орқали туташиб, учта алоҳида номга айланди: Жейн, Жин ва Жоан.

XVI асрда Англия Протестант давлатига айланди. Протестантликка янги ўтганлар ҳар қандай усулда бўлмасин "лаънатланган католик ўтмиши"дан алоқадорликни узишга ҳаракат қилдилар. Католиклардан имкон борича кўпроқ фарқланиш учун болаларига авлиёлар исмини қўйишдан кескин бош тортишди

ва бошқа манбаларни излай бошлашди. Манбалар тез топилди: Таврот ва Инжилда келтирилган ривоятларга асосланган исмлар урфга кирди: Самюил (Samuel), Абрахам, Сара, Бенямин (Benjamin), Дебора (Deborah). Баъзан "дилбар" исмлар изловчи саводи етарли бўлмаган ота-оналар янглиш номлар танлай бошладилар: жуда кўплаб қизларга Далила (Dililah) исмини кўя бошладилар, зеро бир минг юз кумуш танга ҳисобига Самсонга хиёнат қилган Далила нафақат диний нуқтаи назардан, балки ахлоқий томондан ҳам ижобий персонаж ҳисобланмаган.

Муқаддас китоблар манбалари етарли эмасдек туюла бошлади, номларни ўзлари тўқий бошладилар: Черити (Cheriti – маъноси хайрия), Частити (Chastity – маъноси мусаффо, зилол), Верити (Veriti – маъноси ҳақиқат, адолат), Мерси (Mersi – маъноси шафқат). Хусусан, бой тасаввурга эга бўлган калвинизм издошлари – пуританлар Англия черкови ҳали – ҳануз католицизм таъсиридан чиқмаган ва ислохотларга муҳтож, деб ҳисоблардилар. Ҳар қандай радикаллар каби, пуританлар ҳаддидан ошиқ чораларни қўллар ва бу исм кўйишда ҳам ўз аксини топарди: болаларни Эверластинг-Мерри (Everlasting-Merry – Мангу қолувчи шафқат), Сорри-фо-Син (Sorry-for-Sin – Гуноҳлар учун тавба), Фейс-Май-Жой (Faith-My-Joy – Имон-Менинг-Шодлигим) номлари билан атай бошладилар. Булар ҳали ҳолваси. Робинсон номли бир пуритан, Самюелнинг амаликит қироли Агагни ўз қиличи билан бурдалаб ташлаганлиги ҳақидаги библияда келтирилган ҳикоядан шу қадар таъсирланадики, ўз ўғлига Ҳью-Агаг-ин-пиесес-бефоре-з- Лорд (Hew-Agag-in-pieces-before-the-Lord – Парвардигор қаршисида Агагни бўлақларга бўл) исмини беради.

Бу каби номларни яратишнинг қўшимча намуналарини (фамилиялари билан бирга) келтириб ўтишимиз мумкин: Муқаддас Китобни - ўрган Мортон (Search-the-Scriptures Moreton); Парвардигор – ишиФармер (The-work-of-God Farmer);



Миннатдор- бўл Мейнард (*Be-Thankful-Maynard*);

Тезроқ – қад-тикла Стрингер (*Stand-Fast-on- High Stringer*);

Худога – шон-шараф Пенниман (*Glory-be-to-God Penniman*);

Парвардигор- Инояти Смарт (*God-Reward Smart*).

Албатта, бундай исмлар эгаси учун яшаш осон кечмаган. Гуноҳлардан-Чеклан (*Tamesine*) ва Ишда омад қозон (*Prosper-Thy-Work*) номларини олганларнинг омади чопган ҳар ҳолда: Томазина (*Thomasina*, *Thomasine*) исми илк кулоққа чалинганда аёл кишининг исми каби эшитилар, иккинчисини эса анъанавий исм Проспер кўринишида қисқартириш мумкин эди. Лекин, кўп синовлардан-сўнг-биз-жаннат-оламига-кирамыз, Креб (*Through-Much-Tribulations-We-Enter-into-the-Kingdom-of-Heaven-Crabb*) исмли қизчанинг номи шунчаки Трибулатион (*Tribulation* - Синов) даражасигача, ёки шунчаки эркалаб, Трибби (*Tribbi*) тарзида қисқартирилди.

Кромуел даврининг машҳур воизларидан бири оллоҳни шарафловчи “Оллоҳни- Шарафлагин Бербоун” (*Praise-God Barebone*) исмига эга бўлган. Унинг уч акаси бўлиб, уларнинг исмлари Оллоҳдан-Қўрқ Бербоун (*Fear-God Barebone*), Исо – Масих-Қутқариш-Учун-Дунёга-Келди Бербоун (*Jesus-Christ-came-into-the-world-to-save Barebone*) ва Агар-Масих-Сен-Учун-Ўлмаганда-Сен-Қарғишга-Учраган-Бўлардинг Бербоун (*If-Christ-had-not-died-for-thee-thou-hadst-been-damned Barebone*) эди. Энг сўнггиси ҳатто шунчаки “доктор Қарғалган Бербоун (*Dr. Damned Barebone*)” тарзида дастхат кўяр эди.

Оллоҳни- Шарафлагин Бербоун тахминан айнан акасининг хурмати учун ўғлини “Масих-Сен-Учун-Ўлмагунча-Сен-Қарғишга-Учрагансан” (*Unless-Jesus-Christ-Had-Died-For-Thee-Thou-Hadst-Been-damned*) дея

номлаган, бироқ ўғилга отанинг қарашлари маъқул келмаган ва натижада у ўзининг ғайриоддий исмини ўзгартириб, оддий “инсонлар”га хос “Николас” (*Nikolas*) исмини қабул қилди.

Вақт ўтиши билан, такводорлик исмларини кўйиш ҳар қандай урф каби даврини йўқота бошлади. Инглизлар ва америкаликлар анъанавий эътиқодга қайтиб, вақти-вақти билан уни бошқа тиллар билан боғлаган ҳолда бойитиб, янгича номларни ярата бошладилар. Янги тенденциялар асосан аёллар номида ўз аксини топди: XIX асрдан бошлабқизлар Амбар (*Ambar* - Қахрабо), Апрель (*April*-Апрель), Берил (*Beril*- Берил), Руби (*Ruby* - Ёкут), Жасмин (*Jasmin*- Ясмин), Дейзи (*Daisy* - Дасторгул) деб номланган. Америка ва Буюк Британияда француз, испан ва итальянча исмлар Жакуелине (*Jacqueline*- Жаклин), Мичелла (*Michella*- Мишель), Анита, Анжела ва Анжелина (фаришта сўзига асосланган) исмлари кенг тарқалди. Хорижий исмларни устомонлик билан ўзгартирган ҳолатда қўллашди – Марие ўрнига Мару, Катрина ўрнига Catherine, Жулие ўрнига Julia. Баъзида ота-оналар исмларга ўзига хослик бағишлаш мақсадида уларнинг ёзилишига ўзгартишлар киритдилар: Olivia (Оливиа) ўрнига (Olive) Олив, Alicia (Алисиа) ўрнига (Alysha) Алиша, Абигаил (Abigail) ўрнига Абигайле (Abigayle).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда деярли ҳар қандай сўз бола учун исм сифатида танланиши мумкин. Ва баъзан ота-оналар беъманилик борасида ҳаддидан ошириб юборадилар: масалан, Майкрософт (*Microsoft*) вице - президентларидан бири Билл Симсер Windows Vista ва код номи Windows Presentation Foundationнинг код номи – Avalon шарафига ўз қизини Виста Авалон, деб номлади. Фотомодель Спонтаниеес Гтантнинг исми “spontaneous delivery (эркин турлар)” тиббиёт атамасидан келиб чиққан: ўз вақтида қизнинг онасини туғруқхонага олиб боришга улгурмайдилар ва туғруқ тўғридан-тўғри машинада бошланади. Режиссёр Кевин Смит эса янги туғилган қизчасига Бетмен ҳақидаги комикс қаҳрамонларидан бири шарафига - Харли Квинн исмини берди.

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райснинг исмини инсон билимсизлигига



қўйилган ёдгорлик деса ҳам бўлади: унинг ота-онасига қачонлардир қулоқларига чалинган “con dolcezza” (талаффузи “кон долчетса”) мусиқий атамаси ёкиб қолади. Унинг таржимаси итальян тилидан “охиста, нафис чалмоқ” маъносини англатади. Шунинг учун, қизчани Condolcezza (Кондолсиза) деб аташга қарор қиладилар, лекин кимдир хужжат тўлдиришда хатоликка йўл қўйиб, иккинчи “с” ни “е” билан чалкаштириб юборади. Натижада ишониб бўлмас исм “Сондолеезза” (Kondoliza-Кондолиза) номи дунёга келади.

Кўпчилик ғайритабиий исм эгалари етуклик ёшига етганларида уларни ўзгартиради. Ота-онасининг динга бўлган телбаларча иштиёқидан чарчаган Жесус

Крайст Аллин (Jesus Christ Allin) исмли бир шахс умрининг ярмида Кевин Майкл (Kevin Maykl) исмини танлади. Литл Пикси Гелдоф (Little Piksi Geldof – таржимаси “Кичик Пикси”), мусиқачи Боб Гелдофнинг кизи, етуклик ёшига етганда шунчаки, Пикси Гелдоф дастхатини қўя бошлади. Афтидан, ота-онаси “Number 16 Bus” (16 рақамли автобус) номини берган Янги Зеландиядаги бебахт ўз исми борасида бирор чора қўлламаса бўлмайди.

Исмлар семантикаси ва этимологиясини ўрганган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, инглиз исмларининг асосий қисми яхудий, грек ва герман тилларидаги сўзлардан ташкил топган исмлардан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Begmatov.E, Uluqov. N. O'zbek onomastikasi (bibliografik ko'rsatkich). 2008. 134-145-betlar.
2. Feldman Harold. "The Problem of Personal Names as a Universal Element in Culture." *American Imago* 16 (1959): 237-250.
3. Hartman A. Arthur, Robert C. Nicolay and Jesse Hurley. "Unique Personal Names as a Social Adjustment Factor." *Journal of Social Psychology* 75 (1968): 107-110.
4. Kenjayeva S. Bag'ishlov ismlarining bir guruhi haqida. O'zbek tili va adabiyoti. 2011. 2-son. 91-bet.
5. Nurmonov A. Yo'ldoshev B. Tilshunoslik va tabiiy fanlar. – Toshkent: Sharq, 2001. – B. 72.
6. Гумбольдт В.Ф. Избранные труды по языкознанию. – Москва: 1984. – 214.

Иброҳимова Д. Мотивация имён личностей в английском языке. В статье даётся структурно-семантический анализ этимологии имен лиц, принадлежащих к английской языковой культуре. Изучение феноменов вербализации имён в английской культуре позволит определять и интерпретировать их межкультурные особенности. В статье также описывается этимология английских имен в форме лингвистических структур с использованием примеров художественного выражения.

Ibrohimova D. Motivation of personalities' names in the English language. The etymology of the names of persons belonging to the English linguistic culture are analyzed structurally in the article. Studying the phenomena of verbalization of persons' names in English culture will allow to identify and interpret their intercultural features. The article also describes the etymology of the English names in the form of linguistic structures, using examples of their expression in literature.